

# ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ НОМИДАН

## ҲУКМ

**Protected by PDF Anti-Copy Free**

2024 йил ноябрь ойининг 04 кунин, жиноят ишлари бўйича Бўстонлик туман суди уз биносида, очиқ суд мажлисида, туман суди раиси Ш.Ахмедов раислигида, судья ўринбасари М.Ерматованинг котибалигида, давлат айбловчиси- Бўстонлик туман прокурорининг ёрдамчиси Р.Миралиев, судланувчи Ф.Қодировнинг ҳимоячиси- “НIMOYA OSTIDA” адвокатлик бюроси адвокати Ш.Мамедов, жабрланувчи У.Зайнобиддинов ва жабрланувчи (мархум)ларнинг қонуний вакиллари А.Азимов ҳамда А.Мамарасуловнинг иштирокида Ф.Қодировга оид 1-1106-2401/364-сонли жиноят ишини кўриб чиқди. Иш ҳужжатларига кўра:

**Қодиров Фозилжон Имом ўғли** (Qodirov Foziljon Imom o'g'li), 2005 йил 26 январда Тошкент вилояти, Янгийўл шаҳрида туғилган, миллати ўзбек, Ўзбекистон Республикаси фуқароси, маълумоти ўрта, муқаддам судланмаган, бўйдоқ, вақтинча ишсиз, Тошкент вилояти Зангиата тумани, Ўртаовул маҳалласи, Назаров кўчаси, 47-уйда яшайди, мазкур иш юзасидан 2024 йил 23 июлда “қамоққа олиш” тарзидаги эҳтиёт чораси қўлланилган, 2024 йил 22 июлдан қамоқда сақланмоқда, айблов ҳулосаси нусхасини 2024 йил 18 октябрда олган.

Ўзбекистон Республикаси ЖК 260-моддасининг 3-қисми “а” банди билан айбланган.

Суд, судланувчи, жабрланувчи, жабрланувчи (мархум)ларнинг қонуний вакиллари ва гувоҳларнинг кўрсатувларини тинглаб, жиноят иши ҳужжатларини ўрганиб, ишда мавжуд бўлган далилларга баҳо бериб, қуйидагиларни

### Аниқлади:

Ф.Қодиров 2024 йил 20 июль кунин соат 13:30 ларда, фуқаро Салиходжаева Наврўзага тегишли “ҲАМАХА” русумли гидроциклни амалдаги “Кичик ҳажмли кемалардан ва улар турадиган базалардан фойдаланиш Қоидалари”нинг 8-банди талабларини бузган ҳолда тегишли ҳужжатларсиз бошқариб, Бўстонлик туманида “Чорбоғ сув омбори” бўйлаб ҳаракатланиб бориб, сув омборининг “Бурчмулло” дам олиш пляжи қисмида юқоридаги Қоидаларнинг 4, 12, 16, 17, 19-бандлари талабларини қўпол равишда бузиб, эҳтиётсизлик ва ўз-ўзига ишониш оқибатида, чўмилиш учун мўлжалланган пляж ва оммавий дам олиш жойида, руҳсат этилган 10 км/соат тезликдан юқори бўлган 40 км/соат тезликда хавф сифатида ҳаракатланиб, фуқаролар Орипов Иззатиллохон Шукурулло ўғли ва Азимов Асадулло Махаммадаюфович бошқариб кетаётган катамаран

ёнида йўналишини кескин чапга ўзгартириб, манёврлаш қоидаларини бузиши натижасида, мазкур катамараннинг орқа борт қисмига осилиб чўмилаётган катамаран йўловчилари Содиқов Асмалжон Азамжон ўғли, Жўрабоев Абдуҳаким Муҳаммаджон ўғли ва Зайнабиддинов Улуғбек Алишер ўғлини бошқарувидаги гидроциклнинг ўнг ён қисми билан уриб ўтиб, катамараннинг чап ён орқа қисмига тўқнашиб, дарё-транспорт ҳодисаси содир этган.

Содир бўлган дарё-транспорт ҳодисаси оқибатида, катамаран йўловчилари А.Содиқов ва А.Жўрабоев олган оғир тан жароҳатлари билан ҳодиса жойида вафот этган ва катамаран йўловчиси У.Зайнабиддинов эса, олган енгил тан жароҳати билан Бўстонлик туман тиббиёт бирлашмасига муружаат қилган.

Судга оид тиббий экспертизасининг 13.08.2024 йилги 89-сонли хулосасига кўра, йўловчи А.Содиқов дарё-транспорт ҳодисаси натижасида олган оғир тан жароҳатларидан вафот этганлиги;

Судга оид тиббий экспертизасининг 2024 йил 19 августдаги 90-сонли хулосасига кўра, йўловчи А.Жўрабоев дарё-транспорт ҳодисаси натижасида олган оғир тан жароҳатларидан вафот этганлиги;

Судга оид тиббий экспертизасининг 2024 йил 14 сентябрдаги 1056-сонли хулосасига кўра, йўловчи У.Зайнабиддинов дарё-транспорт ҳодисаси натижасида соғлиқнинг қисқа муддатга бузилишига сабабчи бўлган енгил тан жароҳати олганлиги кўрсатилган.

Судга оид транспорт-трассология экспертизасининг 2024 йил 22 августдаги 854-сонли хулосасига кўра, ҳодиса шароитида “ҲАМАҲА” русумли гидроциклнинг корпусига дастлаб сувдаги одамларнинг тана қисми текканлиги, ҳодиса ривожига “ҲАМАҲА” русумли гидроциклнинг ўнг ён қисми катамараннинг чап ён орқа қисмига текканлиги, тўқнашув вақтида “ҲАМАҲА” русумли гидроцикл ҳаракатда бўлганлиги, катамаран эса тўхтаб турган ёки тўхташ тезлигига яқин тезликда ҳаракатланаётган бўлганлиги кўрсатилган.

Судланувчи Ф.Қодиров судда, айбига тўлиқ иқрор бўлиб 2024 йил 19 июль куни танишлари Шерзод, Амирхон, Усмонжон, Бекзод, Рихсивой ва Одил билан бирга Бўстонлик туманига дам олишга келганликлари, Бурчмулло қишлоғида жойлашган “Чорвоқ сув омбори” яқинида дам олишгани, 2024 йил 20 июль куни тушлик вақтида Амирхон билан моторли гидроцикл бошқариш учун олиб, ўзи бошқаргани, Амирхон орқа ўриндикда ўтиргани, соҳилдан тахминан 200-300 метр масофа узоқлашиб ҳаракатланиб кетаётганларида олдидан гидроцикл ўтиб кетаётганини кўриб, рул бошқарувини чап томонга буриб юборгани, чап томондаги катамаранни кўрмай қолгани, натижасида гидроциклнинг ўнг томони катамараннинг орқа қисмига бориб тўқнашганлиги, катамаранда 2 нафар, орқа томонида уч нафар шахс борлигини кўрганлиги, бу ҳодиса тез содир бўлганидан ўзини йўқотиб қўйгани, 3 нафар шахслар катамараннинг орқа томонига осилиб чўмилаётган бўлишгани, гидроцикл катамаранни орқа

қисмига урилганида Амирхон билан бирга сувга ташлашгани, тез ёрдам ва одамлар келиб, катамарандагиларга ёрдам бергани, у ҳам ёрдамлашгани, шу пайтда катамарандаги бир нафар фуқаро нафас олиб турган бўлгани, уларни сувдан чиқаришга ёрдам беришгани ва тез ёрдам олиб кетгани, тез ёрдам келганида икки нафар жабрланувчилар олган тан жароҳатларидан вафот этганлигини айтишгани, ҳозирда эҳтиётсизлик оқибатида қилган қилмишидан пушаймонда бўлиши, жабрланувчилар ва уларнинг яқинларидан кечирим сўраш ёрдамлигини инобатга олиб енгиллик беришни сўради.

Жабрланувчи **Зайнабиддинов Улуғбек Алишер ўғли** судда, 2024 йил 19 июль куни Садулло, Иззатиллохон, Акмалжон, Абдуҳаким, Хожакбар, Нодирбек, Ғуломжон билан Бўстонлиқ тумани, Чорвоқ қўрғонига дам олишга келганликлари, ҳовлига жойлашиб, эртасига 2024 йил 20 июль куни соат тахминан 13ларда, Журабоев Абдуҳаким катамаран олиб келганлиги, катамаранда соҳилдан узоқлашганликлари, шериклари Абдуҳаким ва Акмалжон билан бирга сувга тушишгани, катамаранни орқа томонидан ушлаб чўмилаётганларида катта тезликда гидроцикл ҳаракатланиб келаётганлигини кўриб, бақирганлиги, ўзи четга қочишга улгургани, шериклари сув тагида бўлганлиги сабабли эшитмагани, улар сувдан чиққан вақтида гидроцикл урилганлиги, сўнг шериклари Абдуҳаким ва Акмалжонни сувнинг устки қисмида беҳуш ҳолатда кўрганлиги, қирғоқда бўлган одамлар ёрдамга етиб келганликлари, дўстларини катерга ортишгани ва бу орада тез ёрдам ҳам етиб келганлиги, гидроциклда бўлган йигитлар ҳам уларга ёрдамлашгани, шифокорлар Акмалжон ва Абдуҳакимни олган тан жароҳатларидан вафот этганликларини айтгани, унга ҳам енгил тан жароҳати етказилгани, судланувчига нисбатан даъвоси йўқлиги, уни кечирганлиги, эҳтиётсизлик туфайли бўлганлиги, унга енгиллик беришни сўраб кўрсатув берди.

Жабрланувчининг қонуний вакили тариқасида сўроқ қилинган **Азимов Асадулло Махаммадаюфович** судда, марҳум Жўрабоев Абдуҳаким Мухаммаджон ўғли жияни, яъни опасини ўғли эканлиги, 2024 йил 19 июль куни танишлари Акмалжон, Улуғбек, Изатилло, Нодирбек, Хожиакбар, Ғуломжон ва жияни Абдуҳаким билан бирга Бўстонлиқ туманига дам олиш учун келишгани, Чорвоқ сув омборига яқин жойдаги дала ҳовлида дам олиб, 2024 йил 20 июль куни тушлик вақти бўлиб қолганда жияни Абдуҳаким катамаран олиб келгани, катамаранда 4 та ҳимоя жилетлари бўлгани, сув ҳавзасидан 200 метрлар узоқликда бўлишгани, Акмалжон, Абдуҳаким ва Улуғбек сувга тушиб катамаран орқасида чўмилишгани, у уларни чўмилиш жараёнини видео тасвирга олишни бошлаганида Улуғбекнинг бақирган овозини эшитиб орқага томонга қараганда катта тезликда ҳаракатланиб келаётган гидроциклни кўрганлиги, гидроцикл ён қисми билан катамараннинг орқа қисмига урилгани, гидроцикл ва катамараннинг ўртасида Акмалжон ва Абдуҳаким қолиб кетганлиги, Улуғбек қочиб улгургани, жуда қисқа вақт ичида содир бўлганлиги, уларга ёрдамлашиб

катамаранга чиқаришгани, одамлар катерда етиб келиб, уларни қирғоққа олиб чиқишганлиги, судланувчи Ф.Қодиров ва уни шериги ҳам ёрдамлашгани, бу орада тиббий ёрдам машинада шифокорлар етиб келишгани, Акмалжон ва Абдухақимни олган тан жароҳатларидан вафот этганликларини айтишгани, судланувчи Ф.Қодировга нисбатан ҳеч қандай даъвоси йўқлиги, қасддан қилмаганлигини эътиборга олиб, имкони бўлса уни қамоқдан чиқариб юбориш тасилисини эътирози йўқлигини айтиб кўрсатув берди.

Жабрланувчининг қонуни арили тарихида сўроқ қилинган **Мамарасулов Азизжон Азамович** судда, марҳум Содиқов Акмалжон Азамжон ўғли уни укаси бўлиши, 2024 йил 20 июль куни укаси дўстлари билан бирга Бўстонлик туманига дам олиш учун кетганлиги, воқеа жойида бўлмаганлиги, дастлабки тергов ва судда Қодиров Фозилжон Имом ўғли “Чорбоғ сув омбори” сув ҳавзасида гидроциклда укаси Акмалжон ва дўстлари кетаётган катамаран билан тўқнашиб кетганлигини билгани, бунинг натижасида укаси А.Содиқов олган тан жароҳатларидан ҳодиса жойида вафот этганлиги, судланувчига нисбатан ҳеч қандай даъвоси йўқлиги, қасддан қилмаганлигини инobatга олган ҳолда, имкони бўлса уни қамоқдан чиқариб юборишни айтиб кўрсатув берди.

Гувоҳ тарихида сўроқ қилинган **Ахматов Амирхон Мурот ўғли** судда, 2024 йил 19 июль куни танишлари билан дам олиш мақсадида Бўстонлик туманига келганликлари, Бурчмулло қишлоғида жойлашган “Чорвоқ сув омбори” яқинида дам олишгани, эртаси куни соат тахминан 12ларда Қодиров Фозилжон билан гидроцикл ижарага олишгани ва Фозилжон гидроциклни бошқаргани, у эса орқа ўриндикда ўтирганлиги, Фозилжон гидроциклни сув ҳавзасидан 200-300 метр узоқликда бошқаргани, гидроциклни Фозилжон чап тарафга буриб юборганида ўзини сувга ташлаб, сакраб тушиб қолгани, гидроцикл ён қисми билан катамаранни орқа қисмида чўмилаётган шахсларни уриб юборганлиги, сўнг Фозилжон тан жароҳати олган шахсларга сувдан олиб чиқишга ёрдамлашгани, дарҳол уларни шу ердаги одамлар билан бирга қирғоққа олиб боришгани, орадан биров вақт ўтиб шифокорлар етиб келишгани, тан жароҳати олган шахслардан икки нафар шахни вафот этганлигини эшитгани, ўз тан жароҳати олмаганлигини айтиб кўрсатув берди.

Гувоҳ тарихида сўроқ қилинган **Орипов Иззатиллохон Шукурулло ўғли** судда, 2024 йил 19 июль куни соат 11ларда танишлари Асадулло, Улуғбек, Акмалжон, Абдухақим, Хожакбар, Нодирбек, Ғуломжонлар билан Бўстонлик тумани, Чорвоққа дам олгани келишгани, 2024 йил 20 июль куни тушлик вақтида чўмилиш мақсадида Асадулло, Улуғбек, Акмалжон ва Абдухақим билан соҳилга чиқишгани, беш киши катамаранда сув ҳавзасида сузишгани, Улуғбек, Абдухақим ва Акмалжон сувга тушиб, катамаранни орқа томонидан ушлаб сувда чўмилишгани, у Асадулло билан катамаранни устида бўлганлиги, улар томонга катта тезликда гидроцикл келаётганлигини кўргани ва бақирганида сувдаги



йигитлардан Улуғбек қочиб улгуриб қолганлиги, Абдуҳаким билан Акмалжон улгуришмаганлиги, Абдуҳаким ва Акмалжонни сувда беҳуш ҳолатда кўрганлиги, дарҳол шариқлари билан бирга катерга ортиб, қирғоққа олиб боришганлиги, орадан бироз вақт ўтиб шифокорлар етиб келганлиги, Акмалжон ва Абдуҳакимни олган тан жароҳатларидан вафот этганлигини айтишгани, у ҳеч қандай тан жароҳати олмагани, ҳеч кимга даъвоси йўқлигини айтиб кўрсатув берди.

Гувоҳ **Парпиев Муроджон Абдулла ўғли** судда, 2024 йил 20 июль куни Бўстонлиқ тумани “Чорвосан мбори” дала ҳовлида дам олаётганида, тахминан соат 14ларда тез тиббий ёрдам автомашинаси соҳилга келиб тўхтаганлиги, нима бўлганига қизиқиб борганида икки йигит жонсиз ҳолатда ётганини кўрганини айтиб кўрсатув берди.

Суд давлат айбловчиси, ҳимоячининг хулосаларини, судланувчининг кўрсатувларини тинглаб, жинойт ишидаги мавжуд далилларни таҳлил қилиб, судланувчи Ф.Қодировнинг айби, унинг айбига иқдор бўлиб берган кўрсатувларидан ташқари, ҳодиса содир бўлган жойни кўздан кечириш баённомаси, тушунтириш хатлари, суд тиббий экспертизалари ва суд трассалогия экспертизаларининг хулосалари ҳамда жинойт ишида тўпланган бошқа объектив далиллар йиғиндиси билан тўлиқ исботланган деб ҳисоблайди.

Суд, судланувчи Ф.Қодировнинг содир этилган жинойтини юридик квалификациясини муҳокама қилиб, дастлабки тергов органи томонидан эҳтиётсизлик оқибатида, транспорт воситалари ҳаракати ва улардан фойдаланиш хавфсизлиги қоидаларини, яъни Ўзбекистон Республикаси Фавқулотда вазиятлар вазирининг 2021 йил 05 августдаги “Кичик ҳажмли кемалардан ва улар турадиган базалардан (иншоотлардан) фойдаланиш қоидаларини тасдиқлаш тўғрисида”ги 227-сонли Буйруғи билан тасдиқланган, Қоидаларнинг 4, 8, 12, 16, 17, 19-бандлари талабларини кўпол равишда бузиб, йўловчилар Содиқов Акмалжон Азамжон ўғли ва Жўрабоев Абдуҳаким Мухаммаджон ўғлининг ўлимига сабаб бўлишида ифодаланган қилмиши Ўзбекистон Республикаси ЖК 260-моддасининг 3-қисми “а” банди билан тўғри малакаланган деб ҳисоблайди.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 20-моддасида, Давлат органи томонидан инсонга нисбатан қўлланиладиган ҳуқуқий таъсир чоралари мутаносиблик принципига асосланиши ва қонунда назарда тутилган мақсадларга эришиш учун етарли бўлиши кераклиги;

21-моддасида, Инсоннинг ҳуқуқ ва эркинликлари фақат қонунга мувофиқ ва фақат конституциявий тузумни, аҳолининг соғлигини, ижтимоий ахлоқни, бошқа шахсларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш, жамоат хавфсизлигини ҳамда жамоат тартибини таъминлаш мақсадида зарур бўлган доирада чекланиши мумкинлиги кўрсатилган.

Суд, судланувчи Ф.Қодировгага жазо тури ва миқдорини тайинлашда ҳолатга индивидуал тарзда ёндошиб, юқоридаги конституциявий ҳамда қонунийлик, иншондорварлик, одиллик ва жавобгарликнинг муқаррарлиги принципларига таяниб, Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2006 йил 3 февралдаги "Судлар томонидан жиноят учун жазо тайинлаш амалиёти тўғрисида"ги 1-сонли Қароридagi раҳбарий кўрсатмалардан келиб чиқиб, шунингдек сўралган жиноятнинг хусусияти ва ижтимоий хавфлилик даражаси, муқаддам судланмаганлигини, жабрланувчи, жабрланувчи (шарҳ)ларнинг қонуний вакиллари унга нисбатан ҳеч қандай даъволари йўқлигини инобатга олиб, унга айбловдаги модда санкцияси доирасида озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинлашни лозим деб топади.

Юқоридагиларга ҳамда Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 454-457, 465-468, 471, 473-моддаларига асосан, суд

### **Ҳ У К М    Қ И Л А Д И:**

Судланувчи **Қодиров Фозилжон Имом ўғли** Ўзбекистон Республикаси ЖК 260-моддаси 3-қисмининг "а" бандида назарда тутилган жиноятни содир этганликда айбдор деб топилсин ва унга шу модда билан 3 (уч) йил озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинлансин.

Жазони ўташ муддати 2024 йил 22 июлдан бошлаб ҳисобланиб, манзил колонияларда ўтаттирилсин.

Ф.Қодировга нисбатан қўлланилган "қамоққа олиш" тарзидаги эҳтиёт чораси аслича қолдирилсин.

Ашёвий далил тариқасида олинган бир дона ДВД диск жиноят иши билан бирга сақлансин ва сув намунаси тиббий экспертиза текширувлари учун Бўстонлиқ туман СТЭ бўлинмасига топширилгани инобатга олинсин.

Ҳукмдан норози томон Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 497<sup>4</sup>-моддасига мувофиқ, апелляция шикояти ва протестлари ҳукм эълон қилинган кундан эътиборан ўн сутка ичида, судланувчи эса ҳукм нусхасини олган кундан бошлаб шу муддатда жиноят ишлари бўйича Бўстонлиқ туман суди орқали Тошкент вилояти суди жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъатига апелляция тартибида, ҳукм қонуний кучга кирганидан кейин эса кассация тартибида шикоят беришлари, прокурор протест билдириши мумкин.

**Раислик қилувчи**

**Ш.Ахмедов**